УРГАНЧ ШАҲАР ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ СИФАТИНИ БАХОЛАШ

Зияев Камолиддин Зухритдинович, Омаров Жансерик Абдиганиевич
Тошкент давлат транспорт университети, таянч докторант, Ўзбекистон, Тошкент

Аннотация: *Ушбу мақолада Урганч шаҳридаги жамоат транспорти ҳолатини сўровнома натижалари бўйича баҳолаш услуби ёритилган. Сўровнома Урганч шаҳар худудида яшовчи 9 ёшдан катта бўлган аҳоли ўртасида телефон орқали суҳбатлашиш ва telegram ижтимойи тармоғида онлайн тарзда ўтказилди. Жамоат транспорти ҳолатини аниқлаш натижасида Урган шаҳар жамоат транспорт тизимини такомиллаштириш учун таклифлар берилади.*
Калит сўзлар: *жамоат транспорти, автобус, автобус йўналишлари, тезлик, кутиш вақти, транспорт тизими.*

ASSESSMENT OF THE QUALITY OF URBAN PUBLIC TRANSPORT IN URGENCH

Kamoliddin Ziyaev, Janserik Omarov
Tashkent state transport university, Uzbekistan, Tashkent

Abstract: *This article discusses a method for assessing the state of public transport in the city of Urgench based on the results of a survey. The survey was conducted by telephone conversation and on the telegram social network. As a result of determining the state of public transport, proposals are being made to improve the public transport system of the city of Urgench.*
Keywords: *public transport, bus, bus routes, speed, waiting time, transport system.*

Шахар жамоат транспорт тизимига янги қурилаётган турар жой мавзелари, ишлаб чиқариш корхоналари, савдо, маиший хизмат ва ижтимоий объектлар қўшимча юкламаларни хосил қилади [1].

Натижада яхши ташкил этилмаган шаҳар жамоат транспорт тизимлари, катта йўловчилар оқимни ташишга жавоб бера олмайди. Ахолини йўлга сарфлайдиган вақтини ортиб бориши, ортиқча ёқилғи сарфи ва экологияга зарарни ортиши кузатилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда 3 млн. га яқин автотранспорт воситаси рўйхатга олинган бўлиб, йилига ўртача 6-7 % ортиб бормоқда. Бу эса, жамоат транспортида хизматлар сифатини ошириш, катта шахарларда транспорт муаммоларини ечиш, йўловчи ташиш йўналишларини аҳолининг талаб ва эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш, йўналишсиз такси фаолиятини бошқариш, велотранспорт тизими инфратузилмасини қуриш каби тадбирлар аҳамиятини оширмоқда.

Транспорт муаммолари асосан тизимли ёндашув асосида эхтимоллар назарияси ва математик статистика усулларидан кенг фойдаланган ҳолда детерминистик ёндашув ва физик аналогия усули билан ҳал этилади [2-4].

T.Metson, R.Smit, V.Leytsbax, X.Inose va T.Hamada томонидан шаҳар жамоат транспортида йўловчилар оқими аниқлаш, уларни тахлил қилиш, йўловчилар оқимлари кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда уларни башорат қилиш тадқиқотлари амалга оширилган [5-7]. Ўтказилган тахлиллар асосида шаҳар жамоат транспортни моделлаштириш жараёнида йўловчилар оқимини аниқлаш жараёнига замонавий ахборот технологиялари имкониятлари тўлиқ жалб этилмаганлиги ҳамда йўловчилар оқимини аниқлаш жараёнида ҳудуднинг хусусиятини инобатга олиш зарурлигини кўрсатди [8-10].

Сўровнома Урганч шаҳар худудида яшовчи 9 ёшдан катта бўлган ахоли ўртасида телефон орқали суҳбатлашиш ва telegram ижтимойи тармоғида онлайн тарзда ўтказилди.

Сўровномани биринчи қисмида 1294 та одам билан телефон орқали сухбатлашилди, иккинчи қисмида telegram ижтимойи тармоғида 1388та одам иштирок этди. Сўровнома иштирокчиларини квоталари яшаш худуди, ёш гугухи ва жинси бўйича мақсадли танланди.

Сўровнома натижалари тахлилига кўра жамоат транспортини ҳолати умумий холда баҳоланди. Бундан ташқари жамоат транспортини харакатланиш тезлиги, жадвал бўйича харакатланиши, хавфсизлиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича хам баҳоланди.

Сўровнома натижасида 64,5% иштирокчилар жамоат транспорти холатини қониқарли деб бахолашган. Жамоат транспорти холатини бахолаш бўйича натижалар 1-жадвал ва 1-расмда келтирилган.

Эркаклар аёлларга нисбатан жамоат транспортини кўпроқ салбий бахолаганлар (38,1% эркаклар ва 29% аёллар), бу эса ўз навбатида эркаклар шахсий автомобилдан кўпроқ фойдаланиши (хайдовчи сифатида) билан боғлиқ. Ёш гурухлари кесимида 22 ёшгача бўлганлар жамоат транспортини яхши бахолаганлар, 40-59 ёш оралиғидаги иштирокчиларни кўп қисми жамоат транспорти ҳолатини салбий бахолашган.

Жамоат транспортини алохида сифат кўрсаткичлари мухимлик даражаси бўйича беш баллик тизимда бахоланди: “мухим эмас (1 балл)”, “унча мухим эмас (2 балл)”, “ўртача мухим (3 балл)”, “мухим (4 балл)”, “жуда мухим (5 балл)”. Бахолаш тизими асасида юқорида келтирилган кўрсаткичларни ўртача баллари бўйича маълумотлар 2-расм ва 2- жадвалда келтирилган.

Хамма гурухларида иштирокчилар биринчи мухим сифат кўрсаткичи деб хафвсизликни белгилашган. Сифат кўрсаткичларини мухимлик даражаси бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни “бўш ўринлар сони” ва “қулайлик” кўрсаткичлари эгаллаган.

Мухимлиги бўйича пастки ўринларни “тезлик/характаниш вақти”(бу бир тарафдан шахар худидининг кичиклиги ва харакатланиш вақтининг камлиги билан изохланса, бошқа тарафдан “жадвалга амал қилиши” ва “транспортдан транспортга ўтишдаги кутиш вақти” кўрсаткичларининг юқорилиги билан асосланади) ва “хамма транспорт турига ўтадиган оилик йўл чиптаси борлиги” (Урганч ахолисини бундай чиптадан фойдаланишда амалий тажриба етишмайди, хозирда жамоат транспортида йўл хаққи фақат нақт пулда амалга оширилади) кўрсаткичи эгаллаган.

Юқорида келтирилган транспорт хизматини сифат кўрсаткичлари бўйича жамоат транспорти жорий холатини бахолаш натижалари 3-расм ва 3-жадвалда келтирилган..

Ёш гурухлари орасида 9-16 ёшгача бўлганлар жамоат транспорти сифатини энг паст ва 50-59 ёшгача бўлганлар энг юқори баҳолашган. Умумлашган холда жамоат транспортини сифатини эркаклар аёлларга нисбатан пастроқ баҳо берганлар.

1-жадвал

Жамоат транспорти холатини гурухлар кесимида баҳоланиши

Гурух	Тўлиқ қониқарли	Деярли қониқарли	Деярли қониқарсиз (2 балл)	Умуман қониқарсиз (1 балл)	Қониқарсиз (1 ёки 2 балл)
Жами	19,7%	44,8%	18,7%	16,6%	35,3%
Эркаклар	20,2%	41,8%	19,3%	18,8%	38,1%
Аёллар	19,2%	55,2%	17,8%	12,2%	29%
9-16ёш	50%	33,3%	16,7%	0%	16,7%
16-22 ёш	21,1%	46,4%	18%	14,5%	32,5%
23-39 ёш	15,3%	41,5%	21,1%	22,3%	43,3%
40-49 ёш	11,5%	38,4%	19,2%	30,5%	49,7%
50-59 ёш	20%	30%	10%	40%	50%



1-расм: Жамоат транспорти холатини гурухлар кесимида тақсимланиши

Жадвал 2

Жамоат транспорти сифати кўрсаткичларини баллари

Сифат кўрсаткичлари	Эркаклар	Аёллар	9-16ёш	16-22 ёш	23-39 ёш	40-49 ёш	0-59 ёш
Тезлик/харакатланиш вақти	3,02	3,21	2,67	3,00	3,30	3,43	3,2
Йўл хаққи	3,17	3,14	2,00	3,07	3,44	3,57	3,4
Жадвалга амал қилиши	3,38	3,29	2,67	3,24	3,64	3,64	4,3
Қулайлик	3,44	3,53	2,00	3,41	3,65	3,75	4
Хавфсизлик	3,65	3,72	2,83	3,59	3,90	4,14	4,2
Хамма транспорт турига умумий билет	2,94	2,98	1,67	2,83	3,32	3,21	3,4
Пересадкадаги кутиш вақти	3,21	3,18	2,50	3,09	3,51	3,43	4,1
Салонни кондиционер билан совитиш	3,34	3,34	2,17	3,28	3,55	3,57	3,4
Ўш ўринларни борлиги	3,28	3,40	2,67	3,27	3,47	3,68	3,6
Хамма параметрлар бўйича ўртачаси	3,27	3,31	2,35	3,20	3,53	3,60	3,73



2-расм: Жамоат транспорти сифат кўрсаткичларининг ўртача баҳоси

Жадвал 3

Жамоат транспортининг сифат кўрсаткичларини жорий холати

Сифат кўрсаткичлари	Эркаклар	Аёллар	9-16 ёш	16-22 ёш	23-39 ёш	40-49 ёш	50-59 ёш
Тезлик/харакатланиш вақти	2,56	2,61	2,16	2,58	2,58	2,60	2,2
Йўл ҳаққи	2,83	2,84	2	2,82	2,82	3,17	3,7
Жадвалга амал қилиши	2,68	2,81	2,5	2,74	2,65	2,85	3,3
Қулайлик	2,47	3,03	2,16	2,52	2,48	2,46	2,9
Хавфсизлик	2,60	2,61	2,66	2,63	2,53	2,60	2,6
Хамма транспорт турига умумий билет	2,45	2,49	1,83	2,45	2,48	2,46	3
Пересадкадаги кутиш вақти	2,57	2,59	2,5	2,57	2,57	2,75	3,5
Салонни кондиционер билан совитиш	2,33	2,31	2,16	2,35	2,25	2,07	2,9
Бўш ўринларни борлиги	2,44	2,43	2,33	2,45	2,37	2,39	3
амма параметрлар бўйича ўртачаси	2,55	2,63	2,25	2,57	2,53	2,59	3,01



3-расм: Жамоат транспортининг жорий холатдаги ўртача баҳоси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ziyaev K., Navoiy shahrining transport oqimini tanlanma asosida miqdoriy tadqiqot qilish uslubi, The Scientific Journal of Vehicles and Roads (2021)
2. Зияев К., Омаров Ж., Абдурахимов Л., [2021], Метод построения городского цикла путем синтеза. Темир йўл транспорти: Долзарб масалалар ва инновациялар. –2021. –№3. – 43-55 б. ISSN 2181-953X.
3. Ziyayev K.Z., Abdurazzokov U.A., Ismailova Sh.B., Transport samaradorligi va harakat xavfsizligini oshirishning zamonaviy yo‘li, Uzbek Scholar Journal, volume 9 (2022)
4. MukhitdinovA., Ziyaev K., Omarov J., Ismoilova Sh., [2021], Methodology of constructing driving cycles by the synthesis, CONMECHYDRO – 2021, E3S Web of Conferences 264, 01033, https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126401033
5. Ziyayev K.Z., Abdurazzokov U.A., Ismailova Sh.B., Transport samaradorligi va harakat xavfsizligini oshirishning zamonaviy yo‘li, Uzbek Scholar Journal, volume 9(2022)
6. Ziyaev K., Omarov J., Urganch shahri jamoat transportida yo‘lovchilar oqimini o‘rganish, Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali (2022), volume
7. Mukhitdinov A., Kutlimuratov K., Khakimov Sh., Samatov R., Modelling traffic flow emissions at signalized intersection with PTV Vissim, E3S Web of Conferences, (2021), DOI: 10.1051/e3sconf/202126402051
8. Ziyaev K.,Yomg’irchayev B., Интеллектуальная система управления трафиком, THE ROLE OF SCIENCE AND INNOVATION IN THE MODERN WORLD (2022)
9. Mukhitdinov A., Kutlimuratov K., Impact of stops for bus delays on routes, IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, (2020), ISSN 1755-1315, DOI: 10.1088/1755-1315/614/1/012084
10.Abdurazzokov U., Sattivaldiev B., Khikmatov R., Ziyaeva Sh., [2021], Method for assessing the energy efficiency of a vehicle taking into account the load under operating conditions, CONMECHYDRO – 2021,E3S Web of Conferences 264, 05033,
https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126405033